



« 19 » декабр 2015 й.

Наманган шаҳри 381 -сонли

**Наманган вилоятидаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектларини, фойданилмаётган бўш ер майдонларини ҳамда давлат улуши пакетларини хатловдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги “2016-2019 йилларда Наманган вилоятини саноат салоҳиятини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-2439-сонли қарорининг 4-банди, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Қонунни ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2015 йил 28 ноябрдаги 353-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Худудлардаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари, фойданилмаётган бўш ер майдонлари ҳамда давлат улуши пакетлари хатловдан ўтказилсин.

2. Ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, шу жумладан давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш хусусийлаштириш, “нол” қийматда бериш, бузиш ҳамда улар негизида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида хатлов ўтказиш бўйича доимий ишловчи вилоят ишчи гуруҳининг таркиби ва вазифалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ишчи гуруҳи таркибидаги раҳбарларга худудларга масъулиятли, тажрибали масъул ходимларни бириктириш вазифаси юклатилсин.

4. Хатлов жараёнида аниқланган ҳар бир корхона ва объектлар бўйича ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли қарорига асосан амалга оширилиши белгилансин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Н.Ҳайиталиев), Давлат рақобат бошқармаси (Д.Ботиров), вилоят ишчи гуруҳи билан биргаликда шаҳар ва туманлар бўйича таклифлар тайёрлаш ва тақдимотини ўтказилишини таъминласинлар.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Н.Ҳайиталиев), Вилоят Статистика бошқармаси (О.Мамадалиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Жўраев), Соғлиқни сақлаш бошқармаси (С.Муминов), Халқ таълими бошқармаси (В.Ражабов), Маданият ва спорт ишлари бошқармаси (Р.Низамбаев), Иқтисодиёт бош бошқармаси (О.Иномов), Давлат рақобат бошқармаси (Д.Ботиров) билан биргаликда ўтказилган тақдимот натижаларига кўра умумлаштирилган дастурни вилоят ҳокими тасдиғига киритсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Н.Ҳайиталиев), Давлат рақобат бошқармаси (Д.Ботиров) билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига тегишли идора ва вазирликлар билан келишилган ҳолда таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳайиталиев зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**



**Х. Бозаров**

Худудлардаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда фойдаланилмаётган бўш ер майдонларни аниқлаш ва уларнинг негизида ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш худудий ишчи гуруҳининг

**ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Т/р	Ф.И.Ш	Лавозими	Бажаролиган вазифалари
1	Н.Хайталиев	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (ишчи гуруҳи раҳбари)	Умумий раҳбарлик ва назорат қилиш
2	Рўйхат бўйича	Шаҳар ва туман ҳокимлари	1. Ишчи гуруҳ аъзоларини худудларда хатлов ўтказиши учун зарур шароит яратади. 2. Хатловда шаҳар ва тумандаги ҚФЙ (ШФЙ) раислари иштирокини таъминлайди 3. Шаҳар ва туман ҳокимликлари балансидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланиш юзасдан тегишли таклифларни ишчи гуруҳга тақдим этади;
3	А.Дадабаев	Марказий банк бош бошқармаси бошлиғи	1. Банklar балансидаги бино-иншоотлар ва объектлар (ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган объектлар) руйхатини ишчи гуруҳга киритади; 2. Ҳар бир корхона ва объект бўйича тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириш чораларини кўради ва лойиҳалар бўйича бизнес-режалар тайёрлайди; 3. Корхона ва объектларда жалб қилинадиган кредит маблағларнинг тармоқ жадвалларини тайёрлайди;
4	О.Иномов	Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи	1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади; 2. Вилоят худудидаги мавжуд хом-ашё (табiiй ресурслар) руйхатини шакллантиради. 3. Вилоят бошқармалари ва туман ҳокимликлари томонидан берилган таклифлар <u>вилоят дастурини тайёрлайди</u> ; 4. Лойиҳаларни инвестицион ва маҳаллийлаштириш дастурларига киритиш масаласи бўйича ишчи гуруҳга таклиф киритади.
5	Д.Ботиров	Хусусийлаштириш монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси бошлиғи	1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади; 2. Вилоят бошқармалари ва туман ҳокимликлари томонидан берилган таклифлар, маълумотларни умумлаштириб <u>вилоят дастурини тайёрлайди</u> ;

			<p>3. Дастур параметрларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритади.</p> <p>4. Бўш турган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш хусусийлаштириш дастурлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва давлат Рақобат кўмитасига тақдим этади.</p>
6	Ғ.Муродхўжаев	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи	<p>1. Янги ишга туширалётган ишлаб чиқаришларда малакали мутахассисларни таъминлаб беришга амалий ёрдам беради ва яратилаётган янги иш ўринлари мониторингини олиб боради;</p> <p>2. Лойиҳа ташаббускорларининг мурожаатига асосан меҳнатга лаёқатли ёшларни касб-хунарга ўргатиш бўйича қисқа муддатли ўқишларни ташкил қилади.</p> <p>3. Ишга туширилиши режалаштирилаётган лойиҳа ташаббускорларини туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган “Меҳнат ярмаркаси”га таклиф қилиб боради.</p>
7	О.Бойбоев	Солиқ бош бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Ягона солиқ тўловчи корхоналарнинг йиллик ҳисоботлари асосида 2011 йил 3 мартдаги 2203-сонли қарор билан тасдиқланган низом бўйича қўшимча солиқлар ҳисобланган корхоналар рўйхатини ишчи гуруҳга тақдим қилади;</p> <p>3. Корхоналарнинг мол-мулклари қиймати, соф тушумлари ва уларнинг (<i>шу жумладан, фаолият юритмаётган корхоналар</i>) кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни ишчи гуруҳга киритади.</p>
8	О.Мамадалиев	Статистика бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Кадастр хизматлари билан биргаликда ер майдонлари мавжуд бўлган корхоналар шунингдек, фаолият юритмаётган корхоналар рўйхатини ишчи гуруҳга киритади.</p>
9	В.Ражабов	Халқ таълими бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Шаҳар ва туман бўлимлари балансида турган бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича таклифларни (<i>бузиш, хусусийлаштириш, “нол” қийматда бериш</i>) ишчи гуруҳга киритади.</p>
10	С.Муминов	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Шаҳар ва туман бўлимлари балансида турган бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича таклифларни (<i>бузиш, хусусийлаштириш, “нол” қийматда бериш</i>) ишчи гуруҳга киритади.</p>
11	Р.Низамбаев	Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p>

			2. Шаҳар ва туман бўлимлари балансида турган бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича таклифларни (бузиш, хусусийлаштириш, “нол” қийматда бериш) ишчи гуруҳга киритади.
12	И.Исомиддинов	Давлат архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Охириги 10 йил давомида нотураржой объектларга қурилиш учун ер майдонларини ажратган ҳамда қурилиш ва реконструкция ишлари учун рухсат олган юридик ва жисмоний шахслар рўйхатини ишчи гуруҳга киритади;</p> <p>3. Заҳирадаги барча бўш ер майдонлари рўйхатларини шакллантиради;</p> <p>4. Корхоналарнинг фойдаланилмаётган ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар заҳирасига олиш бўйича таклифлар тайёрлайди;</p> <p>5. Фойдаланишга яроқсиз (аварийный) объектлар бўйича ДАКНИХБ томонидан ишчи гуруҳга тегишли хулосалар берилишини назорат қилади;</p> <p>6. Худудлардаги барча нотураржой бино-иншоотлар ва объектлар рўйхатини ишчи гуруҳга киритади;</p> <p>7. Маҳаллалар кесимида корхона ва объектларнинг жойлашиш харитасини (А2-А3 форматда) ишлаб чиқади ва ишчи гуруҳга киритади.</p>
13	А.Жўраев	Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Заҳирадаги барча бўш ер майдонлари рўйхатларини шакллантиради;</p> <p>3. Корхоналардаги фойдаланилмаётган ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар заҳирасига олиш бўйича таклифлар тайёрлайди.</p>
14	Н.Садриддинов	“Маҳалла” жамғармаси бошлиғи	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Маҳаллалар худудидаги барча нотурар жой бино-иншоотлари (шу жумладан қурилиши тугалланмаган объектлар) тўғрисида маълумотлар тайёрлайди ва рўйхатини ишчи гуруҳга тақдим этади;</p> <p>3. Туман ишчи гуруҳига маҳаллаларда хатлов жараёнида корхона ва объектларнинг мулк эгаларини жойида бўлишини таъминлайди.</p>
15	келишувга кўра	Ички Ишлар Бош бошқармаси	<p>1. Хатлов ўтказишда бевосита иштирок этади;</p> <p>2. Туман ишчи гуруҳига маҳаллаларда хатлов жараёнида корхона ва объектлар мулкдорларининг жойида бўлишини таъминлайди ва уларга шароитлар яратади.</p>
16	А.Абдуллаев	“Давлат мулкларини ижарага бериш маркази” ДУК бошлиғи	<p>1. Объектлар бўйича фото ва видео лавҳалар тайёрлайди ва тақдим этади;</p> <p>2. Аниқланган давлат объектларини тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш чораларини кўради.</p>